



“Чекка худудда яшаймиз,  
аммо **ТАРАҚҚИЁТДАН**  
**ОРТДА ЭМАСМИЗ**”

3-с.

Иккита  
маҳалланинг юки  
**БИР АЁЛГА ОФИРРОҚ...**

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№54  
(2382)

2026 йил  
8 июль,  
ЧОРШАНБА

# Маҳалла

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

## 2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

УЮШМА КУНДАЛИГИ

### Ёшлар билан ишлашда **МАНЗИЛЛИ ЁНДАШУВ** устувор бўлади

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қахрамон Қуронбоев Сирдарё вилоятидаги маҳаллаларда бўлиб, “маҳалла еттилиги” фаолияти билан танишди ҳамда аҳоли билан очик мулоқотлар ўтказди.



Ташриф давомида Сирдарё туманидаги “Пахтакор” маҳалласида амалга оширилаётган янги лойиҳалар ҳамда улар орқали янги иш ўринлари яратиш бўйича режалар билан танишилди.

Фуқаролар учун ташкил этилган сайёр қабулда аҳолининг мурожаат ва таклифлари тингланиб, уларни қийнаётган масалаларни жойида ҳал этиш чоралари кўрилди. Мулоқотларда ёшлар бандлигини таъминлаш, касб-хунарга йўналтириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, имтиёзли кредитлардан самарали фойдаланиш

ҳамда ёшлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, ёшларнинг робототехника маркази ва замонавий кутубхона ташкил этиш ҳақидаги ташаббусларини амалга ошириш бўйича зарур чоралар белгиланди.

Шу билан бирга, Сирдарё ва Ховос туманлари ёшлари билан очик мулоқот ўтказилди.

Мулоқотлар якунида Сирдарё туманида ёшлар билан ишлашнинг янги ёндашуви — “Сирдарё тумани намунаси”ни жорий этиш бўйича келишувга эришилди. Ушбу тажриба “маҳаллабай” ишлаш тизимини янада кучайтириш, ёшлар билан манзилли ишлаш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши кутилмоқда.

СЕМИНАР

### БИЛИМ, ТАЖРИБА ва амалий ёндашувлар УЙҒУНЛИГИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида “маҳалла еттилиги” вакиллари учун ўқув-амалий семинар бўлиб ўтмоқда.

Семинар давлатимиз раҳбарининг “Маҳалла бошқарувини самарали ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонининг мазмун-моҳиятини “маҳалла еттилиги” аъзоларида атрофлича етказиш, унда белгиланган янги вазифалар ва ваколатларни тушунтириш, шунингдек, ҳужжат ижросини самарали таъминлаш мақсадида ташкил этилди.



Айтиш керакки, Президент фармони маҳалла бошқарувини сифат жиҳатидан янги bosқичга олиб чиқиш, “маҳалла еттилиги” фаолиятида шахсий масъулият, ўзаро ҳамкорлик ва натижадорликни кучайтиришга қаратилган муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Унда белгиланган янги тартиблар маҳаллаларда мавжуд муаммоларни тезкор аниқлаш, уларни манзилли ҳал этиш ва ҳар бир маҳалланинг ривожланишини аниқ режалар асосида ташкил этиш имконини яратади.

Семинар давомида фармонда белгиланган устувор вазифалар асосида бир қатор долзарб мавзулар юзасидан маърузалар тингланди. Жумладан, “Маҳалла раиси — маҳалла тараққиёти учун шахсан масъул стратегик раҳбар” мавзусида маҳалла раисларининг ҳудудни ривожлантириш, аҳоли муаммоларини тизимли ҳал этиш, давлат идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда “маҳалла еттилиги” фаолиятини ягона мақсад сари йўналтиришдаги етакчилик ўрни ва шахсий масъулият атрофлича ёритилди.

Давоми 2-саҳифада.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг!

@mahalla\_raislari

@mahalladosh\_1

@mahalladosh



ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...



## ПРЕЗИДЕНТ МАҲАЛЛАГА КЕЛГАНИДА...

Бу — одамлар билан бевосита мулоқот, ҳаётни жойида ўрганиш, маҳалла тараққиётига янги суръат бағишлайдиган муҳим воқеликдир!

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрининг Сергели туманига ташриф буюриб, “Ўзғариш” ҳамда “Иттифоқ” маҳаллаларида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ва амалга оширилган лойиҳалар билан танишди.

**Давлат раҳбарининг маҳаллага ташрифи ҳар қандай ҳудуд учун оддий воқелик эмас. Бу — одамлар билан бевосита мулоқот, ҳаётни жойида ўрганиш, муаммоларни эшитиш ва энг муҳими, маҳалла тараққиётига янги суръат бағишлайдиган муҳим ҳодисадир.**

Президентимизнинг турли вилоятлардаги маҳаллаларга ташрифларини катта қизиқиш билан кузатиб келардик. Бундай ташрифлар беихтиёр ҳавас уйғотар, “Президентимиз бизнинг маҳаллага ҳам келса эди...” деган эзгу орзунини пайдо қиларди.

Бу ҳаваснинг замирида шунчаки давлат раҳбарини кўриш истаги эмас, балки маҳаллада амалга оширилган ишларга ҳолис баҳо берилиши, мавжуд муаммоларнинг жойида ҳал этилиши ва истиқболдаги режаларнинг қўллаб-қувватланишига бўлган ишонч мужассам эди. Чунки Президентимиз қаерга бормасин, ҳақиқий ҳаёт билан қизиқади. Ҳар бир рақам ортида инсон тақдири, ҳар бир ташаббус ортида маҳалла келажакни кўришга интилади.

Давоми 2-саҳифада.

5-саҳифа

“Тайёрини кутмаяпмиз — **НАТИЖАНИ ЁШЛАР БИЛАН БИРГА** бунёд этапмиз!”



Картадаги **МАБЛАҒЛАР** тушуми назоратга олинандими?

7-саҳифа



“Ўзғариш”даги ўзғаришлар **ЎЗ-ЎЗИДАН БЎЛМАГАН**

8-саҳифа





**ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ** чўл-ланишга қарши кура-шиш, шаҳарларда “яшил шаҳар” тамойилларини жорий этиш юзасидан таклифлар тақдироти билан танишди.



**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ** Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Бош вазири ўринбосари Айман Ҳусайн Сафадийни қабул қилди.



**28 та ҳарф ва 1 та тутуқ** белгисидан иборат лотин ёзувига асосланган **ЯНГИ ЎЗБЕК АЛИФБОСИ**ни жорий этиш ҳақидаги қонун Сенатга юборилди.

## “МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

# ПРЕЗИДЕНТ МАҲАЛЛАГА КЕЛГЕНИДА... БУ — ОДАМЛАР БИЛАН БЕВОСИТА МУЛОҚОТ, ҲАЁТНИ ЖОЙИДА ЎРГАНИШ, МАҲАЛЛА ТАРАҚҚИЁТИГА ЯНГИ СУРЪАТ БАҒИШЛАЙДИГАН МУҲИМ ВОҚЕЛИКДир!

**Д**оно **МИРАЛИЕВА**,  
Сергели туманидаги  
“Ўзгариш” маҳалласи раиси.

Давлатимиз раҳбарининг маҳалламизга ташрифи барча аҳоли учун унутилмас воқеага айланди. Президентимизнинг маҳалла кўчалари бўйлаб юриб, одамлар билан очиқ мулоқот қилгани, маҳалла фаоллари, нуронийлар, ёшлар ва хотин-қизлар фикрини диққат билан тинглагани ҳар биримизда катта масъулият ҳиссини янада кучайтирди.

Айниқса, бу ташрифда эътибор алоҳида объектларга эмас, балки маҳалланинг бутун бошқарув тизимига қаратилди. “Маҳалла еттилиги” фаолияти, ижтимоий ғимоя, бандлик, камбағалликни қисқартириш, ёшлар билан ишлаш, профилактика, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш каби йўналишлар ягона тизим сифатида баҳоланди.

Президентимиз мулоқот давомида ҳар бир масала ортида инсон манфаати туриши лозимлигини яна бир бор таъкидлади. Маҳалла фаолиятининг самараси ҳисоботлар ёки рақамлар билан эмас, балки одамларнинг ҳаётидаги ҳақиқий ўзгаришлар билан баҳоланиши кераклиги ҳақидаги фикрлар биз учун муҳим дас-туриламал бўлди.

**Маҳаллада 6 минг 700 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Худудда йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар босқичма-босқич ҳал этилиб, замонавий инфратузилма ва кулай ижтимоий муҳит яратилди. Хусусан, 1,4 километр пиёдалар йўлаклари барпо этилди, 12 та кўп қаватли уйнинг фасад қисми таъмирланди, ички йўللарга асфальт ётқизилди.**

Давлатимиз раҳбари йўл-йўлаккай Сергели туманидан ўтувчи ер усти метро йўналиши остида ташкил этилган савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари фаолияти билан ҳам танишди. Бу ерда 137 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, 250 та янги иш ўрни яратилди. Метро остида 4 километр пиёдалар ва велосипед йўлаги, 2 та болалар майдончаси ва спорт ҳудуди бунёд этилди. Аҳоли ҳордиқ чикариши учун 100 та ўриндиқ ўрнатилди.

Бу ташриф яна бир ҳақиқатни яққол намоён қилди: бугунги кунда маҳалла давлат сиёсатининг ижрочиси эмас, балки уни шакллантириш ва ҳаётга татбиқ этишдаги фаол ҳамкорга айланмоқда. Чунки энг долзарб муаммолар ҳам, энг самарали ечимлар ҳам, аввало, маҳалладан бошланади. Шунинг учун давлат раҳбарининг ҳар бир ташрифи маҳаллага нисбатан ишонч, масъулият ва талабнинг янада ортиши демакдир.



**Дилором РАМАЗОНОВА**,  
Сергели туманидаги  
“Иттифок” маҳалласи раиси.

Президентимизнинг маҳалламизга ташрифи барча-миз учун унутилмас воқеа бўлди. Давлатимиз раҳбарининг маҳалла кўчалари бўйлаб юриб, одамлар билан самимий мулоқот қилгани, ҳар бир фикр ва таклифга эътибор билан қўлоқ тутгани маҳалла аҳлига қувонч улашди. Энг муҳими, бу ташриф ҳар бир хонадонга ишонч, эртанги кунга умид ва янги марралар сари интилиш руҳини олиб кирди.

Мулоқотлар давомида Президентимиз амалга оширилаётган ишлар одамларнинг турмуш даражаси ва фаровонлигига қандай таъсир кўрсатаётгани билан қизиқди. Маҳалла фаоллари сифатида биз кейинги йиллардаги ўзгаришлар нафақат худуд кўлафасини, балки инсонларнинг дунёқараши, меҳнатга муносабати ва келажакка бўлган ишончини ҳам тубдан ўзгартирганини мамнуният билан таъкидладик.

Президентимиз маҳалла бўйлаб юрар экан, миллий меъморий услубда таъмирланган хонадонлар, обод кўчалар ва аҳоли учун яратилган қўлайликларни кўздан кечирди. Маҳалла фаоллари ва фуқаролар билан самимий мулоқот қилди. “Еттилик” вакиллари билан суҳбатда фақат бажарилган ишлар эмас, балки ҳар бир ходимнинг масъулияти, аҳоли билан ишлаш маданияти, профилактика, ижтимоий ғимоя, бандлик ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича аниқ натижалар муҳокама қилинди.

Маҳалла раиси сифатида айтаманки, Президент билан мулоқот ўз фаолиятингизни қайта таҳлил қилишга ундайди. “Биз одамларнинг муаммосини ўз вақтида ҳал қила олдикми?”, “Ҳеч ким эътибордан четда қолмади-ми?”, “Ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлашда қандай натижага эришдик?”, деган саволларга, аввало, ўзимиз жавоб излаймиз. Чунки давлат раҳбарининг талаби ҳам айнан шу — ҳисобот эмас, амалий натижа муҳим!

Эътиборли жиҳати шундаки, бугун маҳаллага берилаётган имкониятлар билан бир қаторда талаб ҳам кескин ошмоқда. Маҳалла энди фақат мурожаатларни қабул қиладиган идора эмас. У аҳоли бандлиги, ижтимоий ғимоя, маънавий муҳит, жамоат ҳавфсизлиги ва тадбиркорликни ривожлантиришга масъул бўлган яхлит тизим сифатида фаолият юритяпти. Президент ташрифлари ана шу ёндашувни ҳаётга татбиқ этишнинг энг тасвирчан воситасига айланди.

Биз учун бу ташрифлардан чиқадиган энг катта хулоса шунки, маҳалла тараққиётини ҳеч ким четдан келиб қуриб бермайди. Бунинг учун ташаббус, ҳамжихатлик ва фидокорона меҳнат талаб этилади. Давлат эса бу ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш, зарур шароит ва имкониятларни яратиб беришда давом этмоқда.

### СЕМИНАР

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Семинарда кўпчилиكنи қизиқтирган йўналишлардан бири, шубҳасиз, “**Фуқаролар йиғинлари молиявий имкониятлари**” мавзуси бўлди. Унда янги молиялаштириш манбаларидан самарали фойдаланишнинг амалий жиҳатлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

— Семинарда ўзимизни ўйлан-тириб турган саволларга атрафли-ча жавоб олдик, — дейди **пайтахтимизнинг Чилонзор туманидаги “Кичик Хирмонтена” маҳалласи раиси Зулфия Аҳадова**. — Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасини шакллантиришдаги янги тартиблар атрафлича тушунтирилгани айни муддао бўлди. Эндикликда санитария бўйича ундирилган жарималарнинг 10 фоизи, мол-мулк ва ер солигининг 15 фоизи маҳаллада қўлиши худуд-ни ривожлантиришда катта аҳамият касб этади. Маболағлардан самарали фойдаланиш, уни қайси соҳаларга йўналтириш бўйича зарур билимларни олдик.

“**Ҳоким ёрдамчиси — маҳалла иқтисодиётини ривожлантириш бўйича бош менежер**” мавзусидаги чиқишларда ҳоким ёрдамчисининг маҳаллада иқтисодий фаолликни ошириш, аҳолини доимий даромад манбаи билан таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, инвестицияларни жалб этиш ва янги иш ўринлари яратишдаги ўрнига эътибор қаратилди.

“**Хотин-қизлар фаоли** — оила барқарорлиги ва хотин-қизлар манфаатларининг асосий ғимоячиси” мавзусида хотин-қизлар фаолининг оила-лар мустаҳкамлигини таъминлаш, ажралишларнинг олдини олиш, эҳтиёжманд хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги вазифалари атрафлича тушунтирилди. “**Ёшлар етакчиси — ҳар бир ёш тақдир учун масъул лидер**” мавзусидаги маърузада қайд этилганидек, ёшлар етакчиси ҳар бир ёшнинг таълим олиши, касб эгаллаши, иш билан таъминланиши ва бўш вақтни мазмунли ташкил этишда масъулиятни чуқур ҳис этиши лозим.

## БИЛИМ, ТАЖРИБА ва амалий ёндашувлар УЙЎНЛИГИ

“**Профилактика инспектори — хавфсиз маҳалла тизимининг асосий координатори**” мавзусида **профилактика инспекторининг асосий вазифалари билан бирга, фармонда белгиланган янги тартиб — биринчи маротаба ижтимоий ҳақи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган фуқароларга “маҳалла еттилиги” маҳалла раиси бериш тартиби ҳақида маълумот берилди.**



“**Ижтимоий ходим ва солиқ инспектори — ижтимоий ғимоя ва маҳалла иқтисодиётининг янги таянч бўлини**” мавзусидаги маърузаларда ижтимоий ходимнинг ижтимоий хизматларни манзилли ташкил этиш ҳамда ҳар бир мурожаат билан индивидуал ишлашдаги ўрни ёритилди. Солиқ инспекторининг солиқ маданиятини юксалтириш, маҳалла иқтисодий салоҳиятини оширишга қаратилган вазифалари ҳақида батафсил маълумот берилди.

“Маҳалла еттилиги” — ягона жамоавий бошқарув ва натижа учун умумий масъулият” мавзусида “еттилик” фаолиятининг асосий тамойили сифатида жамоавий масъулият, ўзаро ҳамкорлик ва натижага йўналтирилган бошқарув масалаларига урғу берилди. Таъкидланганидек, маҳалладаги ҳар бир муаммони ҳал этиш алоҳида бир ходимнинг эмас, балки “еттилик” аъзоларининг биргаликдаги мувофиқлашган фаолиятини талаб этади. Шу боис ҳар бир аъзонинг шахсий масъулиятини кучайтириш, ягона режа асосида ишлаш ва аҳоли муаммоларини манзилли ҳал этиш янги тизимнинг энг муҳим мезони сифатида қайд этилди.

Семинар бугун — 8 июль куни ҳам давом этади.



**“Е-BOZOR” ЯГОНА РАҚАМЛИ БОЗОР ПЛАТФОРМАСИ 2026 йил 1 октябргача синов тарзида, 2027 йил 1 мартгача тўлиқ амалиётга жорий этилади.**



**БАЛИҚЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҳамда Балиқчиликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилади.**



**Ўзбекистонда 2030 йилгача 1,27 МИЛЛИОН ГЕКТАР МАЙДОНДА ЎРМОНЗОР БОРПО этилади.**

**2026 йил  
8 июль,  
ЧОРШАНБА**

**Mahalla №54**

**3**

## “ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!”



**ХОРАЗМ**

**“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?**

## “ЧЕККА ХУДУДДА ЯШАЙМИЗ, АММО ТАРАҚҚИЁТДАН ОРТДА ЭМАСМИЗ”

**Вилоят марказидан қарийб 200 километр узоқликда жойлашганимиз учун кўплар “Бундай чекка жойда аҳолининг кайфиятини қандай кўтаряпсизлар, муаммоларни қандай ҳал қиляпсизлар?”, деган савол беришади. Иш тўғри ташкил этилгани ютуқларимиз омилidir.**



**Баҳодир БОБОЖОНОВ, Тупроққалъа туманидаги “Тупроққалъа маскани” маҳалласи раиси.**

Хуудда 2 250 нафар аҳоли яшайди, 9 та кўча бор. Аввало, мана шу кўчаларга алоҳида масъулларни бириктирдик. Бугун 9 нафар кўчабоши бизга яқин ҳамкор, ҳақиқий кўмакчи. Инфратузилма билан боғлиқ масалаларни маслаҳатлашган тарзда ҳал этаймиз. Қайси кў-

чага асфальт ётқизилиши керак, қайси бирига шағал тўкиш лозимлигини, узаро келишиб, адолат тамойили асосида амалга оширяпмиз. Аксарият кўчаларимизга тунги чироқлар ва кузатув камералари ўрнатилган. Уларнинг барчаси профилактика инспектори хонасидаги назорат экранига уланган. Ҳафтанинг ҳар пайшанба кунини “Профилактика куни” деб белгиллаганимиз. Кўчабошилар ва профилактика инспектори билан ҳамкорликда олиб борилаётган кундалик назорат туфайли ҳудуд жиноятчилиқдан холи.

**ИШ БИЛГАНГА БАЛЛИ...**

## Қорамолларни жазирамадан қандай асраш мумкин?



**Ёз фасли пишиқчилик ва мўл-қўлчилиги билан ажралиб туради. Аммо чорвадор ва деҳқонларимиз учун ҳақиқий синов мавсумидир. Чунки ҳарорат юқорилагани сари нафақат инсонлар, балки тилсиз қорамоллар ҳам соя-салқин излаб, қийнала бошлайди.**

**Мухиддин САЙФИЕВ, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи.**

Чорвачиликда йил давомида қилинган меҳнат ва харажатларнинг самараси айнан мана шу кунлардаги қаровга боғлиқ. Агар ўз вақтида тўғри чора қўрилмаса, сут ва гўшт маҳсулдорлиги кескин камайиб кетади. Хўш, жазирама кунлари сут ва гўшт йўқотмаслик, жониворларни соғлом асраш учун нималарга эътибор бериш керак?

**Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.**



Яқингача бизни энг қийнаган масала — оқова сув муаммоси эди. “Драйвер” — деҳқончилик бўлгани боис, сувсизлик одамларнинг қўлоғини боғлаб қўйганди. Тўғриси айтсам, ўзимиз ҳам хонадонларга кириб, “томорқадан самарали фойдаланинг, экин экин”, деб топшириқ беришга иккиланардик. Чунки сувсиз ерда экин ўстириш анча қийин иш.

Бу муаммога ечим топиш мақсадида туман ҳокимлигига мурожаат билан чиқдик. Хонадонларга томорқа ерларини сўғориш учун махсус оқова сув насослари ўрнатиб берилди.

Ишонинг, натижа кутилганидан-да аъло бўлди! Сув келган ерга барака кирди. Юзлаб оилалар томорқаси орқали ўзини ўзи банд қилди, уйида ўтириб даромад топа бошлади.

Анъанавий деҳқончилик билан чекланиб қолмаяпмиз. Паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик каби қўшимча фаолият турларини ҳам кенг йўлга қўйдик. Мисол учун, Фарход Матёқубов, Шухрат Жуманиёзов имтиёзли кредит эвазига асаларичиликни йўлга қўйди. Ойбек Отаев, Жасурбек Одамов, Хуршид Собиров жами 40 гектар майдонда балиқчиликка ихтисослашган хўжалик ташкил этиб, 20 та иш ўрни яратди.

Кўмагимиз билан ўз бизнесини йўлга қўйиб, ҳаётини фаровонлаштирган маҳалладошларимизни кўрганда, меҳнатларимиз беҳуда кетмаганидан қувонамиз.



**МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ**

**БУХОРО**

## “ДРАЙВЕР” ЙИРИК ТАДБИРКОРЛИК ТАРМОҒИГА АЙЛАНДИ

**Садриддин Тоҳиров темирчилик йўналишида тадбиркорлик фаолиятини 2007 йилда бошлаган. Дастлаб давлат яратиб берган имконият ва имтиёزلардан унумли фойдаланиб, 150 миллион сўм имтиёзли кредит олди. Шу маблағ эвазига ўз ишини йўлга қўйди.**

**Меҳриддин РАҲМАТОВ, Ғиждуvon туманидаги “Зарангари” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.**

Илк йилларда ишлаб чиқариш ҳажми катта бўлмади. Кейинчилик изланиш ва иштиёқ ташаббускорлик натижасида маҳалладаги энг илғор ишлаб чиқарувчига айланди. Корхонасида 6 та иш ўрни яратди. Йилига 600 миллион сўмгача даромад топомоқда.

Маҳалламизда бу каби ишбилармон инсонлар кўп. 90 та хонадон шу иш билан шуғулланади. Маҳалла раиси Исроил Файзиев бошчилигида уларнинг харақатини қўллаб-қувватлаб, яхши натижаларга эришмоқдамиз. Аҳолининг “хонадонбай” урганиш натижалари кўрсатдики, асрий темирчилик анъаналари катта иқтисодий фойда манбаи экан. Аҳоли ушбу ота-мерос хўнарни нафақат асраб келяпти, балки ҳудудни йирик тадбиркорлик тармоғига айлантирмоқда.

Шубҳасиз, темирчилик шунчаки касб эмас, балки оилаларнинг турмуш тарзига айланган. Шу боис ҳар бир хонадонга кириб, усталарнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва режаларини ўргандим. Кўплар хомашё сотиб олиш, иш қуролларини янгилаш ва маҳсулотларини сотиш учун бозор топишда қийинчиликларга дуч келишаётгани маълум бўлди.

Бу муаммоларни ҳал этиш учун имтиёзли кредит ва субсидия ажратиш тизимини ишга солидик. Қисқа вақт ичида унлаб устахоналар ўз фаолиятини кенгайтирди, замонавий ускуналар сотиб олди ва расмий тадбиркорлик субъектларига айланди. Совуқ темирни оловда тоблаб, ундан бетакор миллий пичоқлар, рўзгор буюмлари ва санъат асарлари яратётган усталаримизнинг

меҳнати бугун маҳалламиз иқтисодиётининг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда “Устоз-шогирд” анъанаси бизга катта ёрдам бермоқда. Яъни, тажрибали ва машҳур темирчи усталаримизга маҳалланинг ишсиз ёшларини бириктирдик. Ҳозирда йигитларимиз устозлар ёнида туриб, ҳунар сирларини мукаммал ўрганмоқда. Энг муҳими, бу ёшлар нафақат банд, балки келажакда ўз мустақил бизнесини бошлай оладиган тайёр мутахассисларга айланимоқда. Бу орқали маҳалламизда жиноятчилик ва ишсизлик даражасини кескин камайтиришга эришяпмиз.



**Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам талаб юқори. Бухорога келаятган чет эллик сайёҳларни маҳалламизга жалб қилиш, улар учун “хўнарамандлар хонадонига саёҳат” йўналишларини ташкил этиш устида ишляяпмиз. Сайёҳлар темирнинг қандай тобланишини ўз кўзлари билан кўриб, ҳайратда қолшмоқда ва ушбу маҳсулотларни жон-жон деб сотиб олишмоқда.**

Бундан ташқари, “G’ijduvon anori Zarangari” бренди остида анорчилик мактаби яратилган бўлиб, бу ерда ҳам кўплаб ёшлар, хотин-қизлар бандлиги таъминланди. 30 нафарга яқин деҳқонлар кўмагида 60 та иш ўрни яратилди. Келгусида бу лойиҳани йирик кластерга айлантириш бўйича иш олиб боришмоқда.

**МЕНДА САВОЛ БОР...**

## “Фаолиятимни мустақил тиклай оламаними?”

**Иzzатилла НАБИЕВ, Чортоқ тумани:**

**— Юридик шахс мақомида тадбиркорлик билан шуғулланар эдим. Ўтган йили айрим сабабларга кўра, фаолиятимни вақтинча тўхтатиб қўйгандим. Жорий йил молиявий муаммоларни бартараф этдим. Шу сабабли фаолиятимни мустақил равишда қайта тикласам бўладими?**

**Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ, “Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:**

— Албатта, бўлади. “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида устувор йўналишлар бўйича илоҳотлар дастурлари ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги Президент фармонига кўра, энди фаолият кўрсатмаётган юридик шахс масофадан мустақил равишда фаолиятини қайта тиклай олади.



Бунинг учун сиз “my3.soliq.uz” шахсий кабинетингизга кириб, “Хизматлар” бўлимидан “Юридик шахсининг профилини қўриш ва ҳисоб маълумотларини ўзгартириш” хизматини танлайсиз.


Очилган ойнадан “Маълумотларни ўзгартириш” тугмасини босасиз. Кейинги босқичда “Фаолият кўрсатаётган ва солиқ мажбуриятига эга” ҳолатига ўзгартирасиз. Натижада корхонангиз фаолияти тўғридан-тўғри тикланади.



Меҳнат кодексига  
ИШ ЖОЙЛАРИДА  
ШАҲВОНИЙ  
ШИЛҚИМЛИККА  
ОИД янги меъёрлар  
киритилади.



Давлат тиббиёт  
муассасаларида камида  
15 йил иш стажига эга  
тиббиёт ходимларига  
УЙ СОТИБ ОЛИШ УЧУН  
СУБСИДИЯ бериш  
тартиби белгиланди.



Ўзбекистонда  
чиқиндиларни қайта  
ишлаш ва улардан  
ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ  
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
бўйича 11 та замонавий  
завод қурилади.

4

Mahalla

№54

2026 йил  
8 июль,  
ЧОРШАНБА

# “ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

НАМАНГАН

НАВОИЙ

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

## ИККИТА МАҲАЛЛАНИНГ ЮКИ БИР АЁЛГА ОҒИРРОҚ...

Маҳаллани денгизга ўхшатган бўлардим. Баъзан бир-бирига уланиб келадиган тўлқинлар, айрим вақтлардаги соқинлик бу ердаги ҳаётни қайсидир маънода ифода этаётгандек...



Гулнора ШАМСИДДИНОВА,  
Мингбулоқ туманидаги  
“Янги гулбоғ” ва “Фаровон”  
маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.

“ТОП-100”:  
СИЗНИНГ ҚАНДАЙ  
ТАШАББУС ВА  
ТАЖРИБАНГИЗ  
БОР?

Ҳар қандай соҳада муваффақиятга эришишнинг ўзига хос усуллари мавжуд. Кимдир тинимсиз меҳнат қилса, яна биров режа асосида тизимли фаолият юритади. Биз ҳам “еттилик” ходимлари билан мақсад сари одимлаш жараёнида қатор тажрибаларни амалда қўллаб кўрдик.

Фарҳод МУРТАЗОЕВ,  
Навбахор туманидаги  
“Халоваттепа” маҳалласи  
раиси.

Айни вақтда барча йўналишларни бирдек олиб бориш йўлини танлаганмиз. Аҳоли вакиллари билан ишлар эканмиз, жиноятчиликка қарши курашиш, ажрашишларнинг олдини олиш, ишсизликни бартараф этиш, камбағалликни қисқартириш каби масалалар кун тартибидagi муҳим жиҳатлар саналади.

## “Барча соҳада БИРДЕК РИВОЖ ТОПМОҚ — мақсадимиз”



Бундан ташқари, ҳудуд ободлигини таъминлаш, камтаъминланган оилаларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб кел-япмиз. Тадбиркор ва ҳомийлар қўмағида ҳар ойда иккитадан муҳтож хонадон эгаларининг уйини таъмирдан чиқариб беряпмиз.

Маҳалламиз чекка манзилда жойлашгани учун шу

қўнға қадар инфратузилма билан боғлиқ қатор муаммолар мавжуд эди. Фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида айни масалалар бўйича жадал ишлар олиб борилмоқда. Биринчи навбатда, қўчаларни таъмирладик. Болаларнинг спорт билан фаол шуғулланиши учун стадион қуриб бердик. Келгусида эса давлат мактабига таълим ташкилотини барпо

этиш режалаштирилган. Шу орқали қўллаб-қўзғатишнинг бандлигини таъминлашга эришамиз.

Ун етти йиллик фаолиятим давомида эришган энг катта натижа — тадбиркор ва оилавий қўшмакорлар сонининг кўпайгани бўлди. Хусусан, Ойбек Раҳмонов ҳовлисидаги 15 сотихли томорқадан мақсадли фойдаланиш учун 20 мил-

лион сўм кредит сўраб муружаат қилди. Маблағ эвазига ихчамгина иссиқхона қуриб, ноёб турдаги атиргуллар етиштиришни бошлади. Айни вақтда ҳар уч-тўрт кунда 4 минг донагача гулни бозорга чиқаряпти.



Қолаверса, миришкор қаламчалардан кўчат етиштириб, қўшимча даромад топишни ҳам уddасидан чиқяпти. Эндикда Ойбек туман ҳокимлиги ажратган ер майдонида қўчма дўкон очиб, савдо соҳасида ҳам ўзини синаб кўрмоқчи.

Қишлоқ ҳўжалиги йўналишида эришяётган натижаларимиз ҳам қувонарли. 115 кишига ижара асосида тақдим этилган ер майдонларида турли полиз экинлари етиштириляпти. Шу орқали хонадонлар тўкин-сочин ва фаровон турмуш кечиряпти. Ишончим комилки, олға интилган, ҳаракат қилган инсон, албатта, чиройли ҳаёт кечиради.

МУВАФФАҚИЯТ КАЛИТИ

## Келажак — илм ва маърифатни эгаллаган ёшларники!

Юртимизда ёшларнинг давлат бошқаруви ва қонун ижодкорлиги жараёнларидаги иштирокини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда фаолият юритаётган ёш ва истиқболли раҳбарлардан бири — Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси Лайло Аслоновадир.

Норгул АБДУРАИМОВА,  
журналист.

Лайло 1996 йилда Бухоро вилоятида туғилган. 2019 йилда Тошкент давлат юридик университетини юриспруденция мутахассислиги бўйича тамомлаган. 2025 йилда юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олган.

Айни пайтда у Тошкент давлат юридик университети Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими бошлиғи. Шу билан бирга, Конституциявий ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси ҳамда университет профессорлар кенгашининг энг ёш аъзоларидан бири сифатида фаолият юритмоқда.



Шу билан бирга, халқ депутатлари Яққасарой тумани Кенгаши депутати ва Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси сифатида ёшлар манфаатларини илгари суришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.



Лайло Аслонова 20 дан ортиқ маҳаллий ва халқаро илмий мақоалар муаллифи бўлиб, конституциявий, сайлов ва инсон ҳуқуқларига бағишланган қатор дарслик, амалий қўлланма ва илмий-оммабоп нашрларнинг ҳаммуаллифи ҳисобланади.

Шунингдек, икки илмий журнал таҳририяти аъзоси сифатида ҳуқуқшунослик илмини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Халқаро майдонда ҳам у Ўзбекистон ёшлари номидан нуфузли анжуман ва парламентлараро форумларда иштирок этиб, мамлакатимизда амалга ошириляётган демократик ислохотлар, ёшларга оид давлат сиёсати ва парламент фаолияти ҳақида маърузалар билан қатнашмоқда.

“Келажак бунёдкори” медали билан тақдирланган Лайло Аслонованинг билим, ташаббус ва фидойиликка асосланган фаолияти Янги Ўзбекистон тараққиётида ёшларнинг муносиб ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.



Саҳифани  
“Mahalla” муҳбири  
Шаҳноза  
РАҲИМХУҲАЕВА  
тайёрлади.



Агар рақамларга муружаат қиладиган бўлсақ, айни вақтда маҳалламизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланыяётган хотин-қизлар 32 нафарни ташкил этишини кўриш мумкин. Уларнинг орасида гўзаллик салоини очган, уйида тикувчилик қиляётган, қандолат маҳсулотлари пишираётганлар анчагина.

Турли йиғилиш ва тадбирларда ҳамкасбларимиз билан суҳбатлашиб қоламиз. Баъзилари айни хотин-қизлар йўналишида юкламанинг қўла-йиб кетгани, айниқса, иккита маҳалла билан ишлаш масъулияти катталигини гапириб қолади. Ҳақиқатан, оила ва аёллар муаммоларини ҳал этиш катта куч ва маҳорат талаб қилады. Келиша олмаятган оилаларни яраштириш учун оилаб қатнашга тўғри келади. Иккита ҳудуд бўйича оладиган бўлсақ, бунга жисмонан улгуриб бўлмаяпти. Шу боис ҳар битта маҳаллага бир нафардан хотин-қизлар фаоли тайинланса, яхши бўларди.



Ҳилола РУСТАМОВА,  
Шофиркон туманидаги  
“Дориғар” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Маҳалламизда истиқомат қилувчи мохир тикувчи тайёрлаган келинлар учун миллий либослар, бежирим маросим кийимлари, шунингдек, суннат

тўйлари учун болалар чопонларининг харидори ҳам ортиб бормоқда. Маҳсулот сифати ва миллий анъаналарга мослиги туфайли нафақат маҳалла аҳолиси, балки қўшни ҳудудлардан ҳам буюртмалар келиб тушмоқда.

Нина-қатимни маҳорат билан қўллайдиган Садокат чевар ойига ўртача 4 та чимилдиқ, 6 та маросим либоси, 10 тагача болалар кийим-кечаги тайёрлаб, эгаларига етказмоқда. Бу эса 7-8 миллион сўм атрофида даромад олиш имконини бермоқда. Тикувчининг шогирдлари ҳам фаолияти давомида ойига ўртача 2 миллион сўмдан даромад топиб, оилавий бюджетларига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Келгуси ойларида цех тикувчилар жамоасини 10 нафарга етказиш, улар учун зарур тикувчилик машина ва ускуналарини имтиёзли тартибда олиб бериш, маҳсулотни кўпайтириш баробарида оилалар моддий манфаатдорлигини оширишни мақсад қилган.

Бугун Садокат Солиева сингари ташаббускор ва меҳнатсевар аёллар миллий ҳунармандчилик анъаналарини асраб-авайлаш ва уларни ёш авлодга сингдиришда ҳам ўз тажрибаси ва касб маҳорати билан қўллаб хонадон бекаларига ибрат бўлишмоқда.



Ўзбекистонда  
“ИСЛОМ  
ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ:  
ТИНЧЛИК,  
БАҒРИКЕНГЛИК ВА  
МАЪРИФАТ ЙЎЛИ”  
мавзусида биринчи  
Халқаро ислом форуми  
ўтказилади.



Тошкентда  
ЯНГИ ТИПДАГИ  
МАКТАБЛАР ҚУРИЛАДИ:  
спорт зал ва ошхона  
ертўлада бўлади.



Сўнгги беш йил ичида  
Ўзбекистон Марказий  
Осиё мамлакатлари  
орасида ҲАВО ОРҚАЛИ  
ЮК ТАШИШ ҲАҲМИ  
энг юқори суръатларда  
ўсган давлатга айланди.

2026 йил  
8 июль,  
ЧОРШАНБА

Mahalla №54

5

## “ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”



“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

## “ОЛИС ХУДУД БЎЛСАК-ДА, ДАРОМАДСИЗ ҚОЛГАН БИРОР ОИЛА ЙЎҚ”

Бизнинг худуд олис чўл бағрида жойлашган. Бугун маҳалламызда 134 нафар аҳоли истиқомат қилади. Бир қарашда бу рақам унчалик катта кўринмаслиги мумкин. Аммо бу сон ортида йиллар давомида кечган синовлар ва бугунги ишончли ўзгаришлар яширин.

Игилик АБДИҚОЗИЕВ,  
Учқудуқ туманидаги  
“Боздун” маҳалласи раиси.

Маҳалламизнинг тарихи 1993 йилдан бошланади. Ўша йилларда аҳоли анча кўп эди. Бироқ худуднинг чеккадалиги, иш ўринларининг етишмаслиги кўплаб оилаларни ризқ излаб, бошқа жойларга кўчишга мажбур қилди. Вақт ўтди. Бугун маҳаллага қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли бу жараён бутунлай ўзгарди. Энди одамлар кетмаяпти, аксинча, қайтиб келмоқда.

Бунга яратилаётган шароитлар асосий омил бўлди. Худудимизга кўчиб келган фуқароларга ҳар бир оила аъзоси учун 2 миллион сўмдан компенсация ажратилади, уй-жой масаласи ҳал этилади. Масалан, тўрт кишилик оила

кўчиб келса, уларга 8 миллион сўм маблағ берилади. Таълим соҳаси вакиллари ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бу ерга ишлаш учун келган ўқитувчиларга яшаш муддатига қараб, иш ҳақининг 25 фоизидан 100 фоизигача миқдорда устама тўланади. Ўн йил ва ундан ортиқ муддат давомида меҳнат қилган устозларнинг фарзандлари учун олий таълим муассасаларига киришда қўшимча квоталар ажратилгани ҳам одамларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлади.

Маҳалламиз тараққиётида тадбиркорликнинг ҳам ўрни катта. Маҳалла раиси бўлишимдан олдин ҳоким ёрдамчиси сифатида фаолият юритганман. Шу даврда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 230 миллион сўм кредит ажратилишига кўмаклашгандик. Бугун эса бу ишлар ўз самарасини бермоқда. Инвестор-

ларнинг қизиқиши ортапти, янги лойиҳалар амалга ошириляпти. Худудимиздаги фойдали қазилмалар конларида кўплаб фуқаролар иш билан таъминланган.

Шу билан бирга, чорвачилик ҳам маҳалламиз иқтисодиётининг асосий таянч устунларидан бири саналади. Бугун даромадсиз қолган ёки Ижтимоий реестрда турган бирорта оила йўқ. Тадбиркорлик субъектлари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шундай инсонлардан бири Талант Ашбаевдир. У қарийб тўққиз йилдан буён йилқичилик билан шуғулланади. Бугун унинг йиллик даромади 1 миллиард сўмга яқинлашган. Энг қувонарлиси, у фақат ўзининг эмас, овулдошларининг ҳам камолини ўйлайди. Тажрибаси, кўмаги ва имкониятларини бошқалар билан баҳам қўриб, янги иш бошлаётганларга ҳам елка тутмоқда.



## “Тайёрини кутмаяпмиз — НАТИЖАНИ ЁШЛАР БИЛАН БИРГА бунёд этияпмиз!”

Ёшдан бирор таклиф тушса, биз ҳеч қачон четда томоша-бин бўлиб турмаймиз. Аксинча, энг шимариб, уни ҳаётга татибқ этиш учун бирга ҳаракат қиламиз. Чунки бугунги ёшларнинг орзуси фақат иш топиш эмас, улар катта лойиҳаларни бошлаб, ўз худудининг эртасини ўзгартиришга бел боғлаган.

Аҳаджон САТТОРҚУЛОВ,  
Ховос туманидаги  
“Ўзбекистон тўқинчилиги”  
маҳалласи ёшлар етакчиси.

Ана шундай ташаббусларнинг катта-кичиги бўлмайди. Уни қўллаб-қувватлаш эса бизнинг энг муҳим вазифамиз. Бугун маҳалламизда имтиёзли кредит асосида 100 миллион сўмгача маблағ олиб, деҳқончилик, чорвачилик ва тадбиркорликни йўлга қўйган ёшлар талайгина. Аммо айрим ташаббуслар борки, уларнинг қийматини пул билан ўлчаб бўлмайди. Масалан, шу ерда туғилиб ўсган Шаҳзод Келдибеков ўқишни тамомлаб, шаҳарда қолишни эмас, маҳалласига қайтишни танлади. Шифокор йигит замонавий тиббиёт муассасасини ташкил этиш учун 2 миллиард сўм кредит олиш бўйича биздан кўмак сўради. Ҳозир айни шу ташаббусни амалга ошириш устида ишляпмиз.

Очиги, шундай ёшларимиз борлигидан фخرланаман. Чунки худудимиз шаҳардан анча олисда жойлашган.



Оддий тиббий кўрик учун ҳам одамлар узоқ йўл босишга мажбур бўлади. Бу нафақат қўлайлик, балки жиддий ижтимоий муаммо ҳам. Афсуски, кўплаб тиббиёт битирувчилари “бу ерда ривожланиш йўқ”, деган қараш билан шаҳарга кетади, фаолиятини ўша ерда давом эттиради. Лекин маҳал-


ланинг келажаги тайёр ҳолда келмайди, уни ўз фарзандлари, ўз юртига бефарқ бўлмаган ёшлар ўзгартиради. Шаҳзод ҳам ёш бўлишига қарамай, ана шу масъулиятни зиммасига олишга журват топди. Менимча, ҳақиқий ўзгариш айнан мана шундай қарорлардан бошланади.

Бугун ёшларимиз фақат тадбиркорликда эмас, деҳқончиликда ҳам янгича фикрлаб, ҳар бир имкониятни даромад манбаига айлантиряпти. Маҳалламизда қовунчилик азалдан ривожланган бўлса, бугунги авлод бу анъанага замонавий ёндашувни қўшди. Энди улар фақат қовуннинг ўзини эмас, деяроли ҳар бир қисмини иқтисодий қийматга айлантирмоқда. Сараланган қовун бозорга чиқарилади, майда ёки пишмай қолганларни уруғи ва пўстлогига ажратилади. Қўритилган пўстлогни қишда чорва учун озуқа бўлса, уруғи келгуси мавсум учун сотилади. Ҳатто қўрт тушган қовун ҳам исроф қилинмайди — ундан уруғ олинади. Қовун қоқиси тайёрланиб, экспортга чиқарилади.

Бир маҳсулотнинг ўзидан бир неча йўналишда даромад топаётган ёшларимизнинг изланувчанлиги таҳсинга лойик. Еримиз шўр бўлгани сабабли айрим ёшлар бошқа худудлардан ер олиб, деҳқончилик қилади. Бугун маҳалламиз аҳолисининг қарийб учдан бир қисми қовунчилик билан шуғулланади. Асосан “Обиновот” ва “Оқ уруғ” навлари экилади. Ёш деҳқон Наврузбек Аликуловнинг бир ўзи 4 гектар майдонда қовун етиштираётгани ҳам бу соҳадаги меҳнатсеварлик ва ишончининг яққол намунаси.

Биз ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратаямиз. Спорт майдонлари бугун тарбия ва бирдамлик мактабига айланган. Футбол, стритбол ва волейбол — ёшларнинг энг сеvimли машғулотлари. Айниқса, маҳалламиз қизлари волейбол ва стритбол бўйича республика босқичигача етиб боргани, минн футболда эса туман миқёсида учинчи ўринни қўлга киритгани бизни қувонтирди. Тушундимки, қизларимизга қўпроқ эътибор бериб, мунтазам шароит яратадиган бўлсак, ишончим комил, ҳали маҳалламиздан республика ва халқроқ майдонларда юртимиз байрогини баланд кўтарадиган чемпионлар етишиб чиқади.

Саҳифани  
“Mahalla” муҳбири  
Шаҳноза ХАЛИЛОВА  
тайёрлади.



## ЁШЛАР МАРКАЗИ минглаб йигит-қизларни бирлаштиради!



Боёвут туманида  
йигит-қизлар учун  
замонавий Ёшлар  
маркази фойдаланишга  
топширилди.

Эндиликда бу маскан нафақат билим олиш, балки янги ғояларни рўёбга чиқариш, замонавий касбларни эгаллаш ва иқтидорни намоён этиш майдонига айланади. Марказ бир вақтнинг ўзида 350 нафар йигит-қизни қабул қилиш имкониятига эга.

Бунёдкорлик

### ЁШЛАР СЎРАЙДИ...

Салима РАҲИМОВА. Фарғона вилояти:

— Ёшим 15 да. Ҳозир бувимнинг қарамогига яшайман, ўзим 1-гурух ногирониман. Мустақил ҳаёт бошлаш ва бирор хўнара билан шуғулланиш ниятим бор. Ногиронлар арвачасини олиш ҳамда касб-хўнара ўрганиш учун қандай ёрдам олсам бўлади?

## НОГИРОНЛИГИ БОР ЁШЛАРГА ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР МАВЖУД?



Отабек САТТОРОВ,  
хўқуқшунос, адвокат:

— Сиз 1-гурух ногирони бўлсангиз, ногиронлар арвачасини давлат ҳисобидан олиш ҳуқуқига эгасиз. Бунинг учун тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси (ТИЕК) сизнинг яққа тартибдаги реабилитация дастуригизда арвачага эҳтиёж борлигини аниқлаши керак. Шундан сўнг яшаш жойингиздаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига мурожаат қилсангиз, сиз белгиланган тартибда техник реабилитация воситаси билан таъминланасиз.

Шунингдек, сизнинг бирор хўнара ўрганиш ва меҳнат қилиш истагингиз ҳам қўллаб-қувватланади. Бунинг учун Бандлик ташкилотлари ёки “Ишга марҳамат” мономарказига мурожаат қилиб, бепул касб-хўнара курсларида таҳсил олишингиз мумкин. Келгусида ўз фаолиятингизни бошлаш ёки ишга жойлашиш масаласида ҳам тегишли ташкилотлар амалий кўмак кўрсатади.

Тавсиямиз, аввало, яшаш жойингиздаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига ёки маҳаллангиздаги ижтимоий ҳодимга мурожаат қилиб, арвача билан таъминланиш ҳамда сиз учун мавжуд барча ижтимоий ёрдам ва имтиёзлар ҳақида батафсил маълумот олинг.



Қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш қиймати ЯГОНА ТАРТИБ АСОСИДА БЕЛГИЛАНАДИ.



2026 йил 1 июлдан дорихоналарда 2 минг 500 номдаги РЕЦЕПТ АСОСИДА СОТИЛАДИГАН ДОРИЛАР НАРХЛАРИ пасайтирилди.



Андижон шаҳридаги “Қайрағочтош” маҳалласида яшовчи Наргиза Бекжонова 5 НАФАР ЭГИЗАК ФАРЗАНДНИ дунёга келтирди.

6



ТОШКЕНТ В.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

## “УЧРАШУВЛАР ИНСОН ҚАДРИНИ, САБР ВА УМИДНИ ЎРГАТДИ”



Маҳаллада ижтимоий ходим сифатида фаолият бошлаганимдан сўнг, ҳар бир кунимни аҳоли билан бевосита мулоқот, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳаётий ҳолатларини таҳлил қилишга бағишладим. Учрашувлар менга инсон ҳаётининг қадрини, сабр ва умиднинг нақадар муҳим эканини яна-да чуқурроқ англатди.

Дилноза БОЙМАТОВА,  
Янгийўл туманидаги “Янгийўл” маҳалласи ижтимоий ходими.

Бир кун иш жойим яқинидаги бекатда кўзи ожиз инсонни учратдим. У эҳтиёткорлик билан йўл топишга уринаётган, атрофни кўра олмаслиги сабабли қийинчилик билан ҳаракатланар эди. Унга яқинлашиб, саломладим ва ўзимни таништирдим. Сўхбат давомида унинг турмуш тарзи, кундалик қийинчиликлари ва эҳтиёжлари ҳақида маълумот олдим. Ушбу учрашув мен учун оддий ҳолат эмас, балки чуқур маъно касб этди. Инсоннинг жисмоний чекловлари унинг ҳаётга бўлган интилишларини тўхтата олмаслигини, аксинча, тўғри қўллаб-қувватлаш орқали унинг жамиятда муносиб ўрин топиши мумкинлигини яна бир бор ҳис қилдим.



Кейинчалик ушбу фуқаро ҳақида маҳалла раиси ва тегишли мутахассислардан маълумот олдим ҳамда унинг оиласи билан яқиндан танишиш учун зарур чораларни кўрдим. Хонадонга таширф давомида унинг яшаш шароити, ижтимоий аҳволи ва соғлиқ билан боғлиқ эҳтиёжлари ўрганилди. Оила аъзолари билан савимий сўхбат олиб борилди ва мавжуд муаммолар очик тарзда таҳлил қилинди.

Вазиятни таҳлил қилиб, бирламчи баҳолаш ўтказдим ҳамда ижтимоий ёрдам режасини туздим. Унга тиббий курик ва реабилитация хизматларига йўналтириш, зарур ёрдамчи воситалар билан таъминлаш, ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам масалаларини кўриб чиқиш, шунингдек, бандлик ва мослашув дастурларига жалб этиш каби хизматлар кўрсатилди. Мазкур жараёнда ижтимоий ҳимоя тизимининг самарали йўлга қўйилгани ўз натижасини кўрсатди.



Бугунги кунда ижтимоий ҳимоя соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, давлатнинг эътибори ва қўллаб-қувватлаши натижасида эҳтиёжманд фуқароларнинг муаммоларига тизимли ечим топилмоқда.

ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

## Ҳуқуқ ва манфаатлар МУСТАҲКАМ ҲИМОЯДА

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига бола ҳуқуқларининг кафолатларини янада кучайтиришга ҳамда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун имзоланди. Унга кўра, 2 та кодекс ва 4 та қонунга муҳим ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритилди.

Азизбек МАШРАБОВ,  
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги матбуот котиби.

БОЛАНИНГ ЭНГ УСТУН МАНФААТЛАРИ ТАМОЙИЛИ

Оила кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”-ги қонунларга “боланинг энг устун манфаатлари” тушунчаси киритилди. Мазкур тамойил Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига мувофиқ бўлиб, Грузия, Туркия, Россия, Руминия, Озарбайжон, Малайзия ва Молдова каби давлатлар қонунчилигида ҳам ўз аксини топган.



ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ЖАБРАНГАНЛАР ҲИМОЯСИ КУЧАЙТИРИЛДИ

“Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга киритилаётган ўзгартиришларга мувофиқ:

✓ Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказла-

рига жабрланган шахслар манфаатларини кўзлаб судга давлат божини тўламасдан мурожаат қилиш ва уларнинг манфаатларини судда ваколатли вакил орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилди. Бу амалиёт Туркия, Грузия ва Буюк Британия тажрибасига ҳам мос келади;

✓ тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахс реабилитация марказига

жойлаштирилганда:

— унинг иш жойи (лавозими) сақлаб қолинади;

— бир ойдан ошмаган муддатга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси расмийлаштириш учун ҳуқуқий асос яратилади.

Натижада тазйиқ ва зўравонликка учраган аёлларга давлат ижтимоий сугуртаси орқали тегишли нафақалар тайинланиб, уларнинг оғир ҳаётий вазиятда даромадсиз қолишининг олди олинади.

ДАВЛАТ БОЖИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР КЕНГАЙТИРИЛДИ

“Давлат божни тўғрисида”ги қонунга киритилаётган ўзгартиришларга кўра, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимидаги ташкилотлар ҳам фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилганда давлат божини тўлашдан озод этилади.

Маълумот учун:

2024-2025 йиллар ҳамда 2026 йилнинг дастлабки 4 ойида реабилитация марказларига жойлаштирилган хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида “Инсон” марказлари судларга 1 413 та ариза киритган.

Ушбу ўзгартишлар болалар ҳамда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини янада самарали ҳимоя қилиш, уларнинг адолатга эришиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда ижтимоий ҳимоя тизимининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

## Нафақа тайинлашнинг СОДДА ВА ШАФФОФ ТИЗИМИ

ҚУЛАЙЛИК

Давлат ижтимоий сугуртаси тизимини аҳоли орасида кенг тарғиб этиш ҳамда фуқароларнинг ушбу йўналишдаги ҳуқуқий хабардорлигини ошириш мақсадида Қумқўрғон туманида тарғибот ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Маржон ТОШМУРОДОВА,  
журналист.

Навбатдаги тадбир туманининг Мирзо Улуғбек номидаги маҳалласида ташкил этилди. Унда ижтимоий ходимлар фуқароларга давлат ижтимоий сугуртаси тизимининг афзалликлари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик (касаллик) нафақаларини тайинлаш ва расмийлаштириш тартиблари юзасидан батафсил маълумотлар берди. Иштирокчиларни қизиқтирган саволларга мутахассислар атрофлича жавоб қайтарди.

Туман кўрсаткичлари ҳам тизим самарадорлигини яққол намоён этмоқда. 2026 йил 1 май ҳолатига кўра, Қумқўрғон туманида давлат ижтимоий сугуртаси бўйича 296 та ариза қабул қилинган. Шундан 171 таси бўйича нафақалар тайинланиб, фуқароларга 2 миллиард 96,5 миллион сўм маблағ тўлаб берилган. Эътиборлиси, айна пайтда кўриб чиқиши кутилаётган аризалар мавжуд эмас. Бу мурожаатлар ўз вақтида кўриб чиқилиб, хизматлар тезкор ва самарали ташкил этилаётганидан далолат беради.



Шунингдек, 2026 йил 1 июлдан бошлаб, давлат ижтимоий сугуртаси тизимида фуқаролар учун бир қатор қулайликлар жорий этилди. Эндиликда нафақаларни тайинлаш жараёни янада соддалаштирилиб, айрим маълумотлар давлат ахборот тизимлари орқали электрон шаклда олинishi хисобига ортиқча ҳужжатлар талаб этилмайди. Бу эса фуқароларга хизмат кўрсатиш муддатини қисқартириш, шаффофлиқни таъминлаш ҳамда давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

## “Инсон — инсонга кўмакчи”

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва тизим ташкилотларига жорий йилнинг дастлабки 5 ойи давомида 75 мингга яқин мурожаат келиб тушди. Уларнинг 85 фоизи ижобий ҳал этилди ёки фуқароларга зарур ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.



Таҳсилларга кўра, мурожаатлар асосан: ✓ нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш; ✓ “Саховат ва кўмак” жамғармаси

орқали ёрдам кўрсатиш; ✓ болалар ҳуқуқларини таъминлаш; ✓ протез ва реабилитация воситалари билан таъминлаш масалаларига тўғри келган.

ИСЛОҲОТ

Амалга оширилган ислохотлар натижасида ушбу йўналишлардаги мурожаатлар сони ўтган йилги кўрсаткичларга нисбатан сезиларли даражада камайиб, аҳолига хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланди.

Шунингдек, “Инсон – инсонга кўмакчи” лойиҳаси доирасида республика бўйлаб фуқаролар иштирокида 100 дан ортиқ семинар ва учрашувлар ташкил этилди. Жойларда ўтказилган сайёр қабуллар давомида 10 мингга яқин фуқаронинг мурожаати бевосита жойида ҳал қилинди.


Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳар бир мурожаат эътиборда эканини ва фуқаролар манфаатларини таъминлаш устувор вазифа бўлиб қолишини яна бир бор таъкидлайди.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири ШАҲНОЗА РАҲИМХҲАЕВА тайёрлади.



БМТ Ўзбекистонни СУВ СТРЕССИ ДАРАЖАСИНИ КАМАЙТИРИШГА ЭРИШГАН ДАВЛАТ деб топди.



Ўзбекистонда балиқчиликни ривожлантириш учун 329 та СУВ ОБЪЕКТИ ОНЛАЙН-АУКЦИОН ОРҚАЛИ ИЖАРАГА БЕРИЛАДИ.



Самарқанд шаҳрида 2030 йилга қадар жамоат транспорт ва такси хизмати ТЎЛИҚ ЭЛЕКТР ТРАНСПОРТИГА ЎТКАЗИЛАДИ.

2026 йил  
8 июль,  
ЧОРШАНБА

Mahalla №54

7

## “ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

НУҚТАИ НАЗАР

Сўнгги кунларда жамоатчилик муҳокамасига қўйилган “Банклар томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисобварақлари ёки омонатлари (депозитлари) га оид ахборотларни солиқ органларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси қизғин баҳсларга сабаб бўлмоқда.



## Картадаги МАБЛАҒЛАР тушуми назоратга олинадими?

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Жамоатчиликда энг катта савол уйғотган жиҳат — жисмоний шахсларнинг банк карталарига тушадиган йирик маблағлар ҳақидаги ахборотни солиқ ташкилотларига тақдим этиш тартиби бўлди. Лойиҳага кўра, агар фуқаронинг банк картасига бир ой давомида бошқа жисмоний шахслардан (яқин қариндошлар бундан мустасно) БҲМнинг 500 баравари ёки ундан ортиқ маблағ келиб тушса, банк бу ҳақда солиқ ташкилотларига ахборот беради. Ҳозирги ҳисоб-китоб бўйича бу тахминан 206 миллион сўмга тенг бўлади.

Бу масалага ҳиссиёт билан эмас, ҳужжат мазмунига қараб баҳо берсак, адолатли бўлади чамамда. Аввало, қарор лойиҳасида солиқ ташкилотларига янги ҳуқуқ берилмаётгани айтилган. Яъни Солиқ қўмитаси ҳозиргача ҳам қонун билан рухсат этилган маълумотларни олиш ҳуқуқига эга бўлган. Энди эса шу маълумотлар қай тартибда, қайси шаклда ва қайси муддатларда тақдим этилиши аниқ белгиланяпти. Бошқача айтганда, янги ваколат эмас, ишлаш тартиби аниқлаштириляпти.

Бу ерда ижобий жиҳатлар ҳам бор. Масалан, соликдан қочиш, сохта айланмалар ёки яширин даромадларни аниқлаш осонлашади. Ҳалол ишлаётган тадбиркор учун ҳам бу фойдали бўлиши мумкин. Чунки ҳамма бир хил қрида асосида ишласа, ноқонуний йўл билан рақобат қилаётганлар камаяди. Давлат бюджетига тушум ошса, бу маблағлар йўл, мактаб, шифохона каби соҳаларга сарфланади, албатта. Яна бир муҳим томони, маълумот алмашишининг аниқ тартиби бўлса, банк ҳам, солиқ ташкилоти ҳам ўз хоҳишига қараб иш тутмайди. Қачон, қандай маълумот ва қайси асосда сўралиши олдиндан белгиланади.

Лекин одамларнинг хавотирини ҳам тушуниш мумкин. Қонунларда “банк сири сақланади”, деб ёзилган бўлса-да, амалда маълумотлар хавфсизлиги ҳар доим савол остида бўлиб келади. Фуқаронинг банкдаги маблағи энг шахсий маълумотларидан бири ҳисобланади. Агар бу маълумотлар кераксиз жойга чиқиб кетса ёки бошқа мақсадларда ишлатилса, бу одамнинг ҳуқуқига жиддий зарар етказиши мумкин.

Масалан, бир инсон йиллар давомида фарзандининг таълими ёки уй олиш учун пул йиғиб келган бўлсин. Бу — унинг қонуний ҳақлармаси. Агар кимдир бу маблағни даромад, деб нотўғри таққин қилса, инсон ортиқча ҳужжат тўплашга, ўзини оқлашга мажбур бўлади. Шунинг учун маълумотдан фойдаланишда эҳтиёткорлик жуда муҳим.

## ЕРГА ИЖАРА ҲУҚУҚИ ҚАНДАЙ РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ?

Тасаввур қилинг, сиз электрон онлайн-аукцион орқали ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини қўлга киритдингиз. Уни расмийлаштириш учун бир марталик тўловни қандай амалга ошириш мумкинлиги кўпчиликни қизиқтиради.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини эътироф этиш учун белгиланган бир марталик тўловни тўлашда фуқароларга қулайлик яратилган. Агар ушбу тўловнинг 50 фоизи 20 иш кунини ичида тўланса, тўловнинг қолган 50 фоизини тўлашдан озод этиласиз.



БИЛАСИЗМИ?

Агар белгиланган муддатда тўловнинг 50 фоизи ҳам тўланмаган бўлса, хавотирга ўрин йўқ. Бундай ҳолда бир марталик тўловни 1 йилдан 3 йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти мавжуд. Бу, айниқса, бир вақтнинг ўзида катта маблағ тўлаш имконияти чекланган фуқаролар учун қулай ҳисобланади.

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

## ОЧИҚ МУЛОҚОТ ВА ҲАМКОРЛИКнинг самараси муҳимроқ

Иш тажрибам кундан-кун ортиб бораётган, ҳар бир оиланинг турмуш даражаси, ҳар бир тадбиркорнинг иши ва ҳар бир фуқаронинг қонуний фаолияти маҳалла иқтисодийоти билан чамбарчас боғлиқ эканини янада чуқурроқ англаб борапман.

Баҳром МАМАТОВ, Касби туманидаги “Кўнғирот”, “Қорақўнғирот”, “Обод Неқўз” ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги маҳаллалар солиқ инспектори.

Менга бириктирилган маҳаллаларда жорий йилнинг ўтган даврида белгиланган кўрсаткичлар 110 фоизга бажарилди. Бу натижага “маҳалла еттилиги”, тадбиркорлар ва фуқаролар билан олиб бориладиган ҳамжиҳатликдаги ишлар орқали эришилди. Ҳозирги кунда “Кўнғирот”, “Қорақўнғирот”, “Обод Неқўз” ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги маҳаллаларда 3 058 нафар мол-мулк, 3 553 нафар ер солиғи тўловчиси бор. 142 нафар яқка тартибдаги тадбиркор, 44 та юридик шахс, 581 та деҳқон ҳўжалиги ҳамда 2 153 нафар ўзини ўзи банд қилган шахс фаолият юритмоқда. Бу рақамлар ҳудуд иқтисодий ҳаёти тобора фаоллашиб бораётганидан далolat беради.

Кундалик иш фаолиятимизда асосий эътиборни аҳоли ва тадбиркорлар билан мулоқот қилишга қаратаймиз. “Маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда хонадонма-хонадон юриб, солиқ қонунчилиги мазмун-моҳиятини тушунтириш, расмий фаолият юритишнинг афзалликларини етказиш ҳамда солиқ базасини кенгайтиришга қаратилган тарғибот ишларини олиб борапмиз. Бундай очик мулоқотлар одамларда ишончни мустаҳкамлаб, қонуний фаолият юритишга қизиқишни оширмоқда.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.



ҚАШҚАДАРЁ

Бундан кейин ҳам “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликни аҳоли ва тадбиркорлар билан очик мулоқот асосида давом эттира-миз. Зеро, маҳалланинг иқтисодий қудрати, аввало, қонуний меҳнат қилаётган, тадбиркорлик билан шуғулланаётган ва солиқ мажбуриятларини виждонан бажараётган фуқаролар билан мустаҳкамланади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ўқтам ХОЛИҚОВ. Фарғона вилояти:

— Мен боғдорчилик билан шуғулланиш мақсадида 29 йил муддатга ажратилган боғ ерини ҳозирги фойдаланувчидан қонуний тартибда олишни режалаштиряпман. Шу ерга нисбатан ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш ёки уни иккиламчи ижарага олиш мумкинми?

## БОҒ ЕРИНИ БОШҚА ШАХСГА ЎТКАЗИШ МУМКИНМИ?

Мақсуд МАМАТХОНОВ, Фарғона вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи:

— Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги қарори ҳамда Ер кодексига кўра, бундай ер участкалари давлат мулки ҳисобланиб, фуқароларга мулк ҳуқуқи асосида эмас, балки ижара ҳуқуқи асосида фойдаланиш учун берилади. Шу сабабли боғдорчилик учун ажратилган ер участкасини оддий фуқаролик-ҳўқуқий битим асосида “сотиб олиш” ёки уни мулк сифатида бошқа шахсга ўтказиш қонунчиликка мувофиқ эмас.

Шу боис, сиз боғдорчилик ерини қонуний асосда эгаллашни режалаштираётган бўлсангиз, аввало, ер участкасини ажратган ваколатли органга мурожаат қилиб, ушбу ерга бўлган фойдаланиш ҳуқуқини белгиланган тартибда ўзингизга расмийлаштириш имкониятини аниқлашингиз лозим. Фақат ваколатли органнинг тегишли қарори асосида ер участкасидан қонуний равишда фойдаланишингиз мумкин.

Яна бир мисол. Тадбиркорнинг ҳисобварақига бир кунда катта маблағ келиб тушди. Бу маблағ махсулот учун олдиндан тўланган тўлов бўлиши мумкин. Агар бу ҳолатнинг иқтисодий мазмуни ўрганилмасдан туриб шўхали амалиёт сифатида баҳо-ланса, ҳалол ишлаётган бизнес ҳам ортиқча текширувларга дуч келиши эҳтимолдан холи эмас.

Энг катта баҳс — банк сири атрофида кетмоқда. Солиқ қўмитаси банк сири бекор қилинмайди, деб тушунтиряпти. Бу ҳуқуқий жиҳатдан тўғри. Чунки маълумотлар қонун доирасидагина сўралади ва солиқ сири сифатида ҳимоя қилиниши керак. Аммо одамларнинг ишончига фақат қонун билан эмас, амалиёт билан ҳам шаклланади. Агар маълумотлар ҳимояси ҳақиқатда таъминлан-са, ноқонуний тарқалиш ҳолатлари қаттиқ жазоланса, жамоатчиликдаги хавотирлар ҳам аста-секин камайди.

Ҳулоса қилиб айтганда, қарор лойиҳасига фақат ижобий ёки фақат салбий баҳо бериш тўғри эмас. Бир жиҳатдан, у солиқ назоратини тартиб-га солиши ва иқтисодиётда шаффоф-ликни кучайтириши мумкин. Иккинчи жиҳатдан, банк маълумотларининг маҳфийлиги, фуқаролар ҳуқуқларининг ҳимояси ва ваколатларнинг че-гараси амалда қандай таъминлани-ши энг муҳим масала бўлиб қолмоқда. Шунинг учун жамоатчилик муҳокама-си айнан шу саволларга аниқ жавоб топишга ҳизмат қилиши керак.



Ўзбекистон энергетика тизимида КОРРУПЦИЯ УЧУН СУДЛАНГАН БАРЧА ХОДИМЛАР ишдан олинади.



Жиззахда 100 минг сўм пора олган патруль-пост хизмати инспектори 20,6 МИЛЛИОН СЎМ ЖАРИМАГА ТОРТИЛДИ.



Наманганда уйида 27 нафар болага НОҚОНУНИЙ ДИНИЙ ТАЪЛИМ БЕРГАН эркак ушланди.

8

Mahalla

№54

2026 йил  
8 июль,  
ЧОРШАНБА



ЖИЗЗАХ

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА,  
ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”



ТОШКЕНТ Ш.

КУН ҚАҲРАМОНИ

Вазифамиз тинчликни асраш, осудаликни таъминлашдан иборат. Бироқ баъзан шундай хавф-хатарларга дуч келамизки, улар юртимизнинг соғлом келажагига, фарзандларимизнинг ҳаётига раҳна солади. Яқинда содир бўлган ана шундай кўнгилсиз воқеа ҳаммамизни янада сергак бўлишга чорлади.

## “ХАВФ ОСТОНАМИЗГА КЕЛМАСДАН БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ”

Жаҳонгир УНГАЛОВ,  
Жиззах шаҳридаги  
“Зилол” маҳалласи  
профилактика инспектори.

Маълумки, ҳозир юртимиз бўйлаб “Хавфсиз ва соғлом юрт” тезкор-профилактик тадбири ўтказилмоқда. Бу шунчаки рейд эмас. Ушбу тадбирнинг бош мақсади — жамиятимизни заҳарлаётган, ёшларимизнинг умрини ҳазон қилаётган оғу ва гиёҳванд моддаларининг маҳаллаларга кириб келишининг олдини олишдир. Бу фикрлар ишботини Мустақиллик кучасида содир бўлган воқеа мисолида кўриш мумкин.

Бир тасаввур қилинг, 5 килограммдан ортиқ мана шу оғуқанча ёшларнинг кўлига етиб бориши, қанча оилаларнинг тинчини бузиши, оналарнинг кўз ёшига сабаб бўлиши мумкин эди! Жиноятни вақтида аниқлаганимиз, нафақат маҳалламиз, балки юзлаб оилаларнинг бахтини асраб қолди, десам муболаға эмас. Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан қонуний ҳужжатлар расмийлаштирилиб, терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилмоқда.




Йиллар давомида тўплаган касбий тажрибам менга бир нарсани ўргатди. Жиноятчилар ҳеч қачон ўз қилмишларини очиқ-ошкор қилишмайди. Улар ҳамиша одамлар кам, пана кўчаларда ўз қора ишларини битиришга уринишади. Нигоҳимиз мана шундай шубҳали ҳаракатларни вақтида пайқаш, ҳар бир инсоннинг юриш-туришидаги ўзгаришни сезиши шарт. Шундагина хавф остонамизга келмасдан туриб, йўлини тўса оламиз. Қолаверса, соғлом ва хавфсиз муҳитни яратиш фақат бизнинг ҳаракатимизга боғлиқ эмас. Бунинг учун ҳар бир инсон эътиборли бўлиши лозим. Шу боис кўчаларда ёки кўп қаватли уйлар атрофида шубҳали шахсларни кўрганда менга ёки навбатчилик қисмига хабар беришни тайинляяпмиз.

Аҳоли сонидан келиб чиқиб, криминоген вазият оғир ҳудуд ҳисобланамиз. Аввал “қизил” тоифада бўлган эдик. Кейинги йилларда “сарик” тоифага ўтдик. Барча кўчалар қўзғатув камераси билан жиҳозлангани бунинг бош омили ҳисобланади. Бундан ташқари, аҳоли “Менинг инспекторим” иловасига уланган. Шунингдек, низоли оилалар ва жиноят қурбонига айланиш эҳтимоли бўлган хонадонлар кўриклаш хизматига боғланмоқда. Мавжуд 4 та кўп қаватли уйнинг кириш йўлагига ташвиш тугмаси ўрнатилди. Агар барча уйлارга шу ускуна ўрнатилса, жиноятларни жилавлан янада осонлашади. Бу таклифни мутасаддиларга ҳам тақдим этганмиз.

Эҳ, сиз одамлар, эссиз одамлар...

Бугун ижтимоий тармоқлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. У бизга дунёни танитади, илм улашади, масофаларни яқин қилади.

Аммо экран ортитага беркиниб, кибермакон чексизлигида масъулиятсизлик билан сочилган сўзлар кимнингдир калбига оғир жароҳат етказиши, бошқа бир инсоннинг эса тақдирини ўзгартириб юбориши мумкинлигини кўпчинча унутиб қўямиз. Панада туриб тош отиш, виртуал оламда “мен барибир топилмайман”, деб уйлаш — энг катта хомхалдир.



Ушбу сондаги барча мақолалар матнини мустақил равишда ўқиди.  
Феруза ФУЗАЙЛОВА

Бекмурод БЕКИМБЕТОВ,  
Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ахборот хизмати ходими.

Пойтахтимизнинг Янгиҳаёт туманида тинч ва осуда ҳаёт кечираётган, 1989 йилда туғилган М. Хилола исмли аёлнинг оддий кўнларидан бири қўтилмаган руҳий зарба билан бошланди. Унинг “Instagram”даги шахсий саҳифасига номаълум аккаунт эгасидан ҳақоратли, шаъни ва қадр-қимматини оёқости қилувчи сўзлар кела бошлади. Бу шунчаки ёзилган хат эмас, инсон ор-номусига қилинган виртуал ҳужум эди. Аёл жим қараб турмади ва қонун устуворлигига ишониб, Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармасига ариза билан мурожаат қилди.

Тезкор ҳаракатлар натижасида ушбу ахлоқсизликни Янгийул туманида истиқомат қилувчи, ҳали ҳаётнинг оқу қорасини тўлиқ англаб етмаган, 2008 йилда туғилган ўсмир йигит содир этгани аниқланди.

Энди виртуал оламдаги “жасорат” учун реал ҳаётда жавоб бериш вақти келди. Жиноят кодексининг 140-моддаси 2-қисми (“Ҳақорат қи-

Бобуржон МИРЗАЖОНОВ,  
Сергели туманидаги  
“Ўзгариш” маҳалласи профилактика инспектори.



айд этилганидек, олти ойда 230 та маҳаллада жиноят содир бўлмади, 332 та маҳаллада уларнинг сони кескин қисқарди. Криминоген вазияти ташвишли йигинлар сони 60 тадан 23 гага тушди. Бу шаҳарда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича янги ёндашувлар самара бераётганини кўрсатмоқда.



Шу жумладан, туманимизда ҳам хавфсиз муҳит яратиш бўйича ижобий натижалар кузатилди. Криминоген вазияти оғир деб баҳоланган 29 та маҳалла “яшил” тоифага ўтди. 17 та маҳаллада жиноят содир этилмади. Ҳозирда Тошкент шаҳри туманлари орасида энг яхши натижалардан бирини кўрсатиб турибмиз.

Хўш, биз бу натижага қандай эришдик? Маҳалламиз қайси омишлар асосида номига мос тарзда ўзгарди?

Юқорида қайд этганимдек, бир пайтлар вазият оғир эди. Кўчаларда бемақсад юрган ёшлар, оилавий келишмовчиликлар ва майда ҳуқуқбузарликлар бизни доимо ташвишга соларди. Токи “пойтахт намунаси” жорий этилмагунча, гоҳ “сарик”, гоҳ “қизил” тоифада юрардик. “Яшил” тоифага ўтиш орзунимиз эди.

## Кибермакон чексиз, аммо НАЗОРАТСИЗ ЭМАС



лиш”) билан кўзғатилган жиноят иши ва олиб борилаётган тергов ҳаракатлари унинг ҳаётидаги энг оғир, лекин мажбурий сабоқдир. Тармоқда ёзилган бир неча ўйла-масдан айтилган сўз энди унинг ке-

лажагига соя солиб турибди. Телефонингиз экранидан қайтган ёруғлик сизни қонун назаридан яшира олмайди. Ҳар бир ёзилган сўзнинг масъулияти, ҳақоратнинг жазоси муқаррардир.



Саҳифани  
“Mahalla” муҳбири  
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ  
тайёрлади.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:  
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар:  
Лазиз Мейликов  
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрацияси  
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар  
агентлиги томонидан  
2024 йил 7 майда  
№271590 рақами билан  
давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY  
NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили:  
100192, Тошкент шаҳри  
Мустақиллик шоҳ қўчаси 59-уй.  
Телефонлар:  
71 233-39-89, 71 233-10-92.  
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК  
босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили:  
Тошкент шаҳри  
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер  
марказида саҳифаланди ва  
офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380х587, 4 б.т.  
8 324 нусхада чоп этилди.  
Буюртма №: Г-720

